

Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ҳақида пудрат шартномаси2022 йил 25 май

Асака тумани

Келгуси ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритиладиган ва ҳаракатдаги Низом асосида фаолият кўрсатадиган **Асака тумани Халқ таълими бўлими** номидан иш юритувчи раҳбари Н.Камолдинов бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда **«Пудратчи»** деб юритилади ва Низом асосида фаолият кўрсатадиган **“Hamkor loyiha” масъулияти чекланган жамияти** ва унинг раҳбари М.Собиров иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар

1. Шартноманинг мазмуни

1.1 **“Пудратчи”** ўз навбатида **Асака тумани 6 мактаб таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш** объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини кўрсатилган муддатда бажариш ва объекти бўйича муаллифлик назоратини ушбу иншоот тўлиқ фойдаланишга топширилгунга қадар олиб бориш мажбуриятини, **“Буюртмачи”** эса ўз вақтида ишларни қабул қилиб олиб, ишлар ҳаққини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2 **“Пудратчи”, “Буюртмачи”** томонидан тақдим этилган меъморий режалаштириш, лойиҳалаш топшириқларида кўрсатиб ўтилган ишларни «Қорхона, бино ва иншоотларни капитал қурилишига лойиҳа-смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳақидаги ШНК 1.03.01-16 қоида ва қўлланмалари, Ўзбекистон Республикаси МТВ ИКН 03-19 нормалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

1.3 Бажариладиган ишларга илмий, техник, иқтисодий ва бошқа талаблар ишларини бажариш учун техник топшириқларда назарда тутилади.

1.4 **“Пудратчи”** томонидан бажариладиган ишларнинг муддати лойиҳа ишларига ўтказилган энг яхши таклифларни ташлашнинг баённомасида кўрсатиб ўтилган муддатда белгиланган.

1.5 **“Пудратчи”, “Буюртмачи”**нинг руҳсатини кутмасдан, қўшимча ички хўжалик шартномасини (шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномани бажаришда амалга оширилиши лозим бўлган махсус лойиҳа тадқиқот ишларини) тузишга ҳақлидир. Қўшимча ички хўжалик шартномаларини тузиш **“Пудратчи”** зиммасига юклатилади.

1.6 Шартномани бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга руҳсат этилмайди.

1.7 Ишларни молиялаштириш ҳисобот йили учун белгиланган тартибда тасдиқланган манзилли дастурда белгиланган маблағлар доирасида ва кўрсатилган молиялаштириш манбаи ҳисобидан амалга оширилади.

2. Томонларнинг мажбуриятлари.**2.1 “Пудратчи”нинг мажбуриятлари:**

- **“Пудратчи”, “Буюртмачи”** томонидан берилган техник топшириқ ва бошқа бошланғич ҳужжатлар асосида ишларни бажариш.

- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳақида, талаб қилинган ҳолларда **“Буюртмачи”**га ахборот жўнатиш.

2.2 “Пудратчи” мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни “Буюртмачи”нинг руҳсатисиз учинчи шахсга беришга ҳақли эмас.

2.3 “Буюртмачи”нинг мажбурияти:

- Мазкур шартномада кўзда тутилган миқдорда ва шартларда белгиланган нархни тўлаш;

- “Пудратчи” томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилишини назорат қилиш;

- “Пудратчи” билан бажарилган ишлар (босқичлар)нинг натижаларини келишиш;

- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини “Пудратчи”нинг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик;

- Ишни бажариш учун курилиш объектига тўсиқсиз киришини таъминлаш.

3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи

3.1 Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати Лот №86999 учун лойиҳа ишларига ўтказилган энг яхши таклифларни танлашнинг 2022 йил “24” майдаги электрон баённомаси билан, шартномани умумий қиймати **27 999 999** (Йигирма етти миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг тўққиз юз тўқсон тўққиз) сўмни ташкил қилади. “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи”га шартнома қийматининг 30 фоизлик миқдорида амалга ошириладиган бўнак (аванс) тўлови **8 399 999** (Саккиз миллион уч юз тўқсон тўққиз минг тўққиз юз тўқсон тўққиз) сўмни, жорий молиялаштириладиган 70 фоизлик тўловлар, бу **19 600 000** (Ўн тўққиз миллион олти юз минг) сўмни ташкил қилади.

3.2 “Буюртмачи”, “Пудратчи”дан бажарилган ишлар ҳақидаги далолатномаларни қабул қилиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3.3 Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” томонидан амалга ошириладиган лойиҳа ишлари нархи ва муддати узил – кесил ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1 Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топширик талаблари асосида баҳоланади.

4.2 “Пудратчи” томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати техник топширикда аниқланади.

4.3 “Пудратчи” ишларни бажариб бўлгач, “Буюртмачи”га топшириш–қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб 1 та нусхада ҳужжатлар тўпламини тақдим этади.

4.4 “Буюртмачи” мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот ҳужжатларини 30 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини олади ва “Пудратчи”га имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

4.5 Бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6 Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, томонлар 5 иш кун мобайнида бир–бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнида ишларни

давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган мажбуриятлар юкланади.

4.7 Ўзаро ҳисоб–китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1 **“Буюртмачи”** ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни яқунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатга узайтирилади.

5.2 **“Буюртмачи”** тўлов талабномаси акцепти (қабул қилиш)ни асоссиз равишда тўла ёки қисман рад этганлиги, шунингдек ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга ҳақ тўлашдан бош тортганлиги (банк муасасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва ҳ.зо) учун тўловдан бош тортган ёки рад этгани учун **“Пудратчи”**га сумманинг 0,5 % ҳажмида пеня тулайди.

5.3 **“Буюртмачи”**дан олган мажбуриятини бажармаган тақдирда **“Пудратчи”** ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бажариладиган ишларни қийматидан 0,4 % ҳажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

5.4 **“Пудратчи”** томонидан бажарилган лойиҳа ишлари ва смета ҳужжатларида номуносибликлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар бўлган тақдирда, ортиқча бажарилган иш, меҳнат ва бошқа ҳаражатлари учун сарфланган барча ҳаражатлар **“Пудратчи”** зиммасига юкланади.

5.5 **“Пудратчи”** шартномада кўрсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишда олган мажбуриятларини бузганлиги учун **“Буюртмачи”**га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % ҳажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

5.6 Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда **“Пудратчи”** уларни беғараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.7 Агар **“Пудратчи”** ўтган босқич учун ҳисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.8 Агар шартнома шартларининг бузилиши енгиб бўлмайдиган ҳолатлар (форс–мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрлари асосида иш кўради.

5.9 Агар **“Пудратчи”** лойиҳада кўрсатган шартлари нотўғри бўлиб чиқса кўрилган ҳаражатларни 100% тўлайди ва объектда бажарилиши керак бўлган шартлар қолдирилса жавобгарлиги юклатилади.

5.10 Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий–ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуннинг 25–32–моддаларига асосан жавобгарлик чоралари қўлланилади.

5.11 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартнома шартларига мос келмаслиги, **“Буюртмачи”** бажарилган ишлардан бош тортишга ҳақли, **“Пудратчи”**дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш қийматининг 5% миқдориди жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилишга ҳақли. Жарима тўлов талабномаси молиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар ҳақидаги далолатнома тузилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида тақдим қилиниши лозим. Жарима жадвалининг тўлов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.12 Шартнома шартларини ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси **“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”**ги қонуннинг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўрилади.

6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс-мажор)

6.1 Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

6.2 Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, **“Пудратчи”** ва **“Буюртмачи”** қурилишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

6.3 **“Буюртмачи”** тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги **“Пудратчи”** учун «форс-мажор» ҳолатига тенг ҳисобланади.

7. Қўшимча шартлар

7.1 **“Буюртмачи”** 1.1.-бандида кўрсатилган объектдан ташқари, **“Пудратчи”** томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, **“Пудратчи”** эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиши тақиқланади.

7.2 Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3 Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини 3 банк куни ичида хабардор қилишлари шарт.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1 Мазкур шартнома, томонлар имзо чекиб, ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан кейин кучга кириди ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий ҳисобланади.

8.2 Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан ҳар бир томонга берилади.

8.3 Шартнома 2022 йил 31 декабрга қадар ўз кучида бўлади.

9. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1 Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда Андижон шаҳар иқтисодий суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилади.

10. Томонларнинг реквизитлари

«БУЮРТМАЧИ»

“Асака тумани Халқ таълими
бўлими”

Асака тумани, Истиклол МФЙ,
Карвансарой кўча, 8-уй
ИНН: 200283141

ШХВ: 4014 22 8600 3 224 9092 1000 15 001

Уз.Рес.Молия вазирлиги Ғазначилиги

х/р: 23402000300100001010

МБ ХККМ Тошкент шаҳар

МФО: 00014 ИНН: 201122919

Раҳбар: И. Камолдинов
М.У.



«ПУДРАТЧИ»

“Hamkor loyiha”

масъулияти чекланган жамияти

Мархамат тумани Қовунчи МФЙ

Улкан кўча, 3-уй

Тел: +998914883091

х/р: 20208000200952578001

АТИБ “Ипотека банк” Истиклол фил.

МФО: 00068 ИНН: 305915874



Раҳбар: М. Собиров

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ VZ82113561

1. Loyihaning turi

Shartnoma

2. Loyihaning nomi

Pudrat shartnomasi.

“Buyurtmachi” Asaka tumani Xalq ta’limi bo‘limi rahbari N.Kamoldinov va «Pudratchi» “Hamkor loyiha” mas’uliyati cheklangan jamiyati rahbari M.Sobirovlar o‘rtasida Asaka tumani 6 maktabni ta’mirlash bo‘yicha loyiha-smeta hujjatlarini tayorlash bo‘yicha 27 999 999 (Yigirma yetti million to‘qqiz yuz to‘qson to‘qqiz ming to‘qqiz yuz to‘qson to‘qqiz) so‘mlik pudrat shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot

Asaka tuman xalq ta’limi bo‘limi 25.05.2022 yilda ishlab chiqilib dasturga kiritilgan

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi
bosh yuriskonsulti**



B.Kimsanboyev

2022-yil 25 –may.